O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 3 январь, № 2 (4155) Чоршанба

# ТУБ ЎЗГАРИШЛАР ИФОДАСИ

***Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқига йўллаган Янги йил табриги юртдошларимиз томонидан зўр қониқиш ва эътибор билан кутиб олинди. Қуйида турли соҳа вакилларининг фикр-мулоҳазалари билан танишинг.***



Эътироф этиш керак, ўтган йил бизнинг жамоамиз учун янгилик сари интилиш йили бўлди. Пиллани қайта ишлаш бўйича водийда ягона бўлган "Буюк Ипак йўли" ҳиссадорлик жамияти хорижлик ҳамкорларимиз ёрдамида энг сўнгги технологиялар билан жиҳозланди ва унинг базасида йилига 120 тонна табиий ипак ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган "Silver silk" Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси бунёд этилди. Янги йилнинг илк кунида корхонамиз дастлабки маҳсулотларни чиқара бошлади. Эътиборли томони шундаки, корхона маҳсулотлари сифати жиҳатидан ривожланган мамлакатлар билан ҳам рақобатлаша олади. Айни пайтда 300 нафардан зиёд фарғоналик ёшлар меҳнат қилаётган ушбу корхонага дунёнинг — Туркия, Япония, Польша, Италия сингари ўндан зиёд давлатлари саноатчиларидан буюртмалар келган. Буларнинг барчаси, Президентимизнинг тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш борасида олиб бораётган изчил сиёсати натижасидир.

Ўйлаймизки, корхонамизнинг ишга туширилиши ва жаҳон бозорида ўз ўрнини топаётгани Юртбошимизнинг Янги йил табрикларида қайд этилган тадбиркор ва ишбилармонларга яратилаётган имкониятларга ёрқин мисолдир.

**Рустамжон ЗОҲИРОВ,**
**Фарғонадаги "Silver silk" қўшма корхонаси бош директори.**



Йил бошидаги ўйлар

*Юртбошимизнинг Ўзбекистон халқига йўллаган Янги йил табригини телевидение орқали тинглар эканман, хаёлимда беихтиёр ўн беш йил мобайнида босиб ўтган йўлимиз жонланди. Бу йўл осон бўлгани йўқ. Қийинчиликлар ортда қолди. Бугун кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари одимлаяпмиз. Буларнинг барчаси истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб, ҳар қандай ислоҳотнинг инсон манфаати учун йўналтирилганидандир. Зеро, бугун юртимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги-ю ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Халқимиз миллий руҳиятининг ажралмас фазилати бўлган инсонпарварлик ҳаётимизнинг асосий мезонига айланиб бораётир.*

*Бугун ҳар биримиз ватан манфаатлари учун хизмат қилиш зарурлигини теран тушунамиз. Ўзбекистонимизнинг келажаги буюк давлат бўлиши бизнинг юксак даражадаги ватанпарварлигимизга боғлиқ. Буюк давлат эгаси бўлишимиз улкан фидойиликни талаб қилади. Атрофга бир боқайлик: дунёнинг турли бурчакларида талотўплар, урушлар рўй бераётган бир пайтда, биз нафақат бир пиёла чойимизни бехавотир ичмоқдамиз, балки тинч ва хотиржам яшаб, тўй-тантаналар ўтказиб, орзу-ҳавасларимизни рўёбга чиқармоқдамиз. Бизга мана шундай бахт-саодат берган Ватанни севмоқ, меҳнатимиз билан уни янада кўркамлаштирмоқ, корига ярамоқ, ёмон кўзлардан асрамоқ фарзандлик бурчимиз эмасми?*

*Одам боласининг энг катта бойлиги саломатликдир. Бизнинг жамоамиз аъзолари ана шу бойлик посбонларидир. Улар 2006 йилнинг 15-25 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида қизамиқ ва қизилча касалликларига қарши олиб борилган эмлаш ишларида фаол қатнашдилар. Доимий ва кўчма вакцинация пунктларида эмлашдан ташқари тушунтириш ишларини ҳам амалга оширдилар.*

*Ижтимоий ҳимоя йили Эзгулик ва Яхшилик — Ўзбекнинг феъл-атвори бўлиб кириб келди. Барчамизга Янги йил муборак бўлсин!*

**Феруза ЙЎЛДОШЕВА,**
**Тошкент шаҳар, Учтепа туманидаги 6-оилавий поликлиника бош шифокори.**



Янги йил байрамини тўкин дастурхон атрофида оила аъзоларинг билан кутиб олишга не етсин. 2007 йил кириб келишига саноқли дақиқалар қолганда, давлатимиз раҳбарининг халқимизга йўллаган табригини эшитар эканман, ўтган йилда мамлакатимиз ва дунёда юз берган турли воқеалар кўз ўнгимдан бирин-кетин ўта бошлади. Қайсидир давлатда нотинчликлар, табиий офатлар рўй берди. Оллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, бизнинг юртда тинчлик ва осудалик ҳукмрон. Ҳамма ўзининг, оиласининг, қолаверса, мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши учун яшамоқда.

Ўтган йилда давлатга ғалла ва пахта сотиш режасини ошириб уддаладик. Бу эса миллионлаб фойда олганимизни англатади. Бизга бундай фаровон яшашга имконият яратиб бераётган Юртбошимиз ва ҳукуматимизга қамашилик барча фермерлар номидан самимий миннатдорчилик билдираман. Янги йилда юртимизда миллионерлар сафи янада кенгайсин. Биз, фермерлар мамлакатнинг том маънодаги таянчига айланайлик. Бугун ана шундай юрт суянчи — миллионер фермерлар қаторида эканлигимдан фахрланаман.

**Бахтиёр ТЎРАЕВ,**
**фермер.**
**Қамаши тумани.**

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 71-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 21 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 1 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган 396—I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4—5-сонга илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5—6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5—6, 153-модда; 2001 йил, № 1—2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9—10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 4—5, 74-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9—10, 149-модда; 2004 йил, № 1—2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 310, 311, 312, 313-моддалар, № 12, 415, 416-моддалар; 2006 йил, № 6, 259, 260-моддалар, № 10, 536-модда) **71-моддаси биринчи қисмининг 14-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишлари».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 2 январь
№ ЎРҚ — 75

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

*Янги 2007 йил кириб келди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларидан давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистон халқига тинчлик ва осойишталик, бахт-саодат, омонлик тилаб, эзгу истаклар изҳор этилган самимий қутловлар келиши давом этмоқда.*

*Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев табрикномасида қуйидаги тилаклар ифода этилган:*

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!*

*Янги 2007 йил арафасида Қозоғистон халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга, Сизнинг яқинларингизга ҳамда мамлакатингиз халқига қизғин ва самимий қутловларимни ҳамда бахт-саодат, тинчлик ва равнақ тилаб йўллаётган эзгу истакларимни қабул қилгайсиз.*

**Нурсултон НАЗАРБОЕВ,**
**Қозоғистон Республикаси Президенти**

*Индонезия Республикаси Президенти Доктор Х.Сусило Бамбанг Юдхоёно йўллаган табрикда қуйидагилар изҳор этилади:*

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Жаноби Олийлари,*

*Янги йил байрами муносабати билан Индонезия Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Сиз, Жаноби Олийларига ва биродар ўзбек халқига илиқ табрикларим ва эзгу тилакларимни йўллаётганимдан бахтиёрман.*

*Ишончим комилки, халқларимиз манфаати йўлида мустаҳкам алоқаларимизни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун етарли асосларимиз мавжуд. Ўзаро манфаатли алоқаларни кучайтириш мақсадида биргаликда ҳаракат қилар эканмиз, ушбу яқинлашиб келаётган байрамда халқларимиз ва ҳукуматларимиз обрў-эътибори ошишига ва дўстлик алоқаларимиз мустаҳкамланишига умид қилиб қоламан.*

*Жаноби Олийлари, Сизга доимий мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат тилайман. Сизга бўлган юксак ҳурматим ва эҳтиромимни қабул этгайсиз.*

**Доктор Х.Сусило Бамбанг ЮДХОЁНО,**
**Индонезия Республикаси Президенти**

**Шунингдек, қуйидагилар ҳам янги йил табрикларини йўллаган:**
**Миср Араб Республикаси Президенти Муҳаммад Ҳусний Муборак ва унинг рафиқаси Сюзан Муборак;**
**Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти Абдулазиз Бутефлика;**
**Тунис Республикаси Президенти Зайн ал-Обидин бин Али;**
**Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ҳамид Карзай;**
**Сурия Араб Республикаси Президенти Башар ал-Асад ва унинг рафиқаси Асма ал-Асад;**
**Исландия Президенти Алавур Рагнар Гримссон ва унинг рафиқаси Дорит Моусалинг;**
**Люксембург Буюк Герцоги Анри;**
**Корея Халқ Демократик Республикаси Мудофаа Қўмитаси Раиси Ким Чен Ир.**

*Табрикномалар келиши давом этмоқда.*

# Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида

2 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Комиссия раиси Мирзоулуғбек Абдусаломов олиб борди.

Мажлисда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 44, 47-49-моддалари ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ, бўшаб қолган ўринларга Бухоро вилояти 25-Ибн Сино, Тошкент вилояти 75-Зангиота, Фарғона вилояти 86-Қўқон сайлов округларида 2006 йил 24 декабрда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови натижалари кўриб чиқилди.

Учта сайлов округида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш сайлов қонунчилиги талаблари ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар календарь режаси асосида амалга оширилди. Тадбирлар календарь режаси ўз вақтида ижро учун барча округ ва участка сайлов комиссияларига, шунингдек, манфаатдор ташкилотларга юборилди.

25-Ибн Сино сайлов округида — 56 та, 75-Зангиота сайлов округида — 54 та, 86-Қўқон сайлов округида — 59 та, жами 169 та участка сайлов комиссияси тузилди. Ҳар бир сайлов округи бўйича сиёсий партиялардан биттадан, жами 15 нафар депутатликка номзод кўрсатилиб, улар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинди.

Учта сайлов округи бўйича сайловчилар рўйхатига 332036, шу жумладан, 25-Ибн Сино сайлов округи бўйича — 119789, 75-Зангиота сайлов округи бўйича — 120060, 86-Қўқон сайлов округи бўйича — 92187 сайловчиларнинг фамилиялари киритилди.

Улардан овоз беришда 282276 сайловчилар (84,5%), шу жумладан, 25-Ибн Сино сайлов округи бўйича 102556 (85,6%), 75-Зангиота сайлов округи бўйича 99759 (83,1%), 86-Қўқон сайлов округи бўйича 78095 (84,7%) сайловчилар иштирок этди.

Округ сайлов комиссиялари баённомаларининг маълумотларига кўра ва кузатувчилар хулосаларига биноан барча сайлов округларида сайлов қонун асосида ўтказилди ва энг кўп овоз тўплаган учта номзод Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари этиб сайланди. Сайланган депутатларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида ошкораликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Барча тадбирларда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва сиёсий партиялардан 469 нафар кузатувчи қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва округ сайлов комиссияларига сайлов қонунчилиги бузилиши тўғрисида аризалар келиб тушмади.

Бўлиб ўтган сайлов Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида демократик жараёнлар янада ривожланаётганлигини, сиёсий партиялар фаоллашаётганини ва сайловчиларнинг ҳуқуқий онги юксалаётганлигини кўрсатди.

Шунингдек, мажлисда комиссия ваколатига тааллуқли бошқа масалалар кўриб чиқилди.

**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

## БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 44, 47-49-моддалари ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 25-Ибн Сино, 75-Зангиота ва 86-Қўқон сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига 2006 йил 24 декабрь куни ўтказилган сайлов натижалари тўғрисидаги округ сайлов комиссияларининг баённомалари асосида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари этиб рўйхатга олинсин:

| № | *Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми* | *Туғилган йили* | *Партияга мансублиги* | *Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури)* | *Иш ва яшаш жойи* | *Сайлов округининг тартиб рақами ва номи* |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | **Сафаров Ғулом Яқубович** | 1968 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси | Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи | Бухоро шаҳри | 25-Ибн Сино сайлов округи |
| 2. | **Шарипов Ориф Мухамедович** | 1956 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари | Тошкент вилояти, Қибрай тумани | 75-Зангиота сайлов округи |
| 3. | **Ахмедов Аббас Ядгарович** | 1960 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси | Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги "Техника" компанияси Кенгаши раиси | Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри | 86-Қўқон сайлов округи |

2. Ушбу қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси** **М. АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 2 январь.

# ЭШИТДИНГИЗМИ?



**Асосий қароргоҳи Нью-Йорк шаҳрида жойлашган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тасарруфида 80 минг сипоҳидан иборат тинчликпарвар кучлар мавжуд. Ушбу халқаро ташкилотда дунё бўйлаб 60 минг ходим ишлайди.**

